

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 189 (978), 2023 йил 16 сентябрь, шанба



САММИТДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 14-15 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Душанбе шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи куни Душанбеда Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви доирасидаги тadbирларда қатнашди.

Президент Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Тожикистон томони раислигида ўтган тadbирда Қозоғистон Республика-

си Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Адилбек Қасималиев ва БМТ Бош котибининг махсус вакили — Марказий Осиё

учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Каха Имнадзе ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Тожикистоннинг 2020-2023 йилларда Жамғармага раислиги яқунлари сарҳисоб қилинди, Орол денгизи ҳавзасида экология, сув ҳужалиги ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди ҳамда Жамғарма доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлики янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳида Тожикистон Республикаси ҳамраислигида Глобал сув конференцияси муваффақиятли ўтганини алоҳида қайд этди. Ушбу тарихий тadbир яқунларига кўра, Марказий Осиёнинг сув соҳасидаги ҳаётли муҳим масалалари ва муаммоларига бутун халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этишга эришилди.

Давлатимиз раҳбари тузилма ташкил этилгандан буён ўтган 30 йилда Орол денгизи ҳавзасида экологик хавф-хатарларга қарши курашиш масалаларини ҳал этиш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни ишлаб чиқишда Жамғарманиннг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилди. Оролни кутқариш халқаро жамғармаси — бу, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг глобал миқёсдаги энг ўткир муаммолардан бирини ечиш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик борасидаги ноёб тажрибасидир, — деди Президентимиз.

Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида вужудга келаётган янги хавф ва

таҳдидлар шароитида бундай минтақавий ҳамкорлиқнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бораётгани таъкидланди. Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тобора чуқурлашиб бораверади.

Ўзбекистон етакчиси кўп томонлама шериклик самардорлигини ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан таъминлаш бўйича муҳим вазифалар турганини қайд этиб, сув-экология соҳасидаги ҳамкорликка оид қатор амалий тақлифларни илгари сурди.

Жамғарманиннг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизация қилиш доирасида асосий ҳужжат ва битимларни хатловдан ўтказиш ва қайта кўриб чиқиш, амалдаги тузилмани таҳлил қилиш ва Жамғарма таркибидаги ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва самарасини ошириш борасида тақлифлар тайёрлаш, унинг фаолияти ва ҳамкорлик масалаларини аниқ тартибга солувчи "Қоида ва тартиб-таомиллар"ни ишлаб чиқиш тақлифи қилинди.

Жамғармани ривожлантириш ва ислоҳ этиш жараёнларини тармоқлараро тамойил асосида, яъни замонавий экологик таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, "сув — энергетика — озиқ-овқат" тартибидagi комплекс ёндашувлар негизида амалга ошириш муҳимдир, — алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Асосан миллий режалар йўналишида амалга оширилаётган Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича тўртинчи Дастурнинг ижроси ташвишга соладиган ҳолатда эканини билдириб, Ўзбекистон

Президенти Жамғарма бошқарувида амалдаги Дастурни танқидий қайта кўриб чиқиш топширигини бериш ҳамда ҳар бир минтақавий лойиҳаниннг ҳажмини ва молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда, "йўл хариталари"ни, уларнинг ижроси бўйича келишилган жадвални тайёрлашни тақлиф этди.

Устувор минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб этиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорлики ҳам кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан мамлакатларимизнинг ҳар бири аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгиланган ҳолда, минтақавий лойиҳаларга четдан кўмакни жалб этиш бўйича ўзига мажбурийат олиши ҳамда раислик қилувчи томоннинг мувофиқлаштириш асосида инвестицияларни ва техник кўмакни жалб қилиш ва тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқиш тақлифи билдирилди.

Бундан ташқари, хорижий шериклар, етакчи халқаро институтлар ва донор ташкилотларни жалб этган ҳолда, қўшма лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш мақсадида махсус минтақавий конференция ўтказиш тақлифи қилинди.

Ўзбекистон раҳбари минтақамизда сув-энергетика ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида халқаро консультантлар иштирокида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режалар ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ эканини таъкидлади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОРОЛНИ КЎТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Тожикистон Республикаси Президенти ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмонга илқ қабул ҳамда учрашуви мизни юксак даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Барча ҳамкасбларимни Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан чин дилдан табриклайман.

Ўтган даврда Жамғарма экологик таҳдидларга қарши кураш масалаларида умумий манфаатларимизни илгари суриш учун муҳим майдон сифатида гоё зарурлигини кўрсатди.

Ана шу вақт мобайнида Орол денгизи ҳавзаси бўйича келишилган ёндашувлар ишлаб чиқилди, қўшма қарор ва дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

Тожикистоннинг ташкилотимизга раислиги давридаги самарали натижаларни алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, Жамғарма доирасида амалий ҳамкорлини ривожлантириш

учун катта ишлар бажарилди. Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан алоқалар кенгайди.

Шу йил март ойида ҳурматли Эмомали Шариповичнинг ҳамраислигида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳида ташкил этилган Глобал сув конференцияси муваффақиятли ўтганини ҳам алоҳида қайд этмоқчиман.

Ушбу тарихий тadbир яқунларига кўра, Марказий Осиёнинг сув соҳасидаги ҳаётли муҳим масалалари ва муаммоларига бутун халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этишга эришилди.

Ҳурматли ҳамкасблар! Оролни кутқариш халқаро жамғармаси — бу, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг глобал миқёсдаги энг ўткир муаммолардан бирини ечиш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик борасидаги ноёб тажрибасидир.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, Жамғарма сув ва экология соҳасида минтақавий ҳамкорлиқнинг энг муҳим платформасига айланди.

Сув ҳужалиги бўйича Давлатлараро комиссия ҳамда "Амударё" ва "Сирдарё" ҳавзаси ташкилотлари сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари юзасидан келишиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Илмий-ахборот маркази барча халқаро шериклар учун очик бўлган, кенг қўламли маълумотларни ўзида муҳасам этган салмоқли таҳлилий базани шакллантирди.

Давлатлараро комиссиянинг барқарор ривожланиш бўйича фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Жамғарма бир қатор минтақавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштирмоқда, халқаро институтлар ва донор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Тузилмаимизнинг ўрни ва аҳамияти глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида вужудга келаётган янги хавф ва таҳдидлар шароитида янада ортиб бормоқда.

Музликларнинг эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омилар туфайли минтақадa сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бораётгани ва унинг оқибатлари алоҳида хавотир уйғотмоқда.

Ҳамкасбларим яхши билади, Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тобора чуқурлашиб бораверади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ўз баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялли минтақавий махсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидaёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилга 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда.

Буларнинг барчаси Жамғарма доирасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган келишилган янги қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этмоқда.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Бугун бизнинг олдимизда кўп томонлама шериклик самардорлигини ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан таъминлаш бўйича муҳим вазифалар турибди.

Шу муносабат билан саммитнинг кун тартибига мос ҳолда қуйидаги тақлифларимизни билдиришни истардим.

Биринчи. Ўзбекистон Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизация қилиш тарафдоридир.

Хусусан, биз асосий ҳужжатлар ва битимларни хатловдан ўтказиш, жумладан, 1990 йилларда қабул қилинган Жамғарма низомини қайта кўриб чиқиш, амалдаги тузилма фаолиятини бириктириш таҳлил қилиш ва Жамғарма таркибидаги ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва самарасини

ошириш борасида тақлифлар тайёрлаш, унинг фаолияти ва ҳамкорлик масалаларини аниқ тартибга солувчи "Қоида ва тартиб-таомиллар"ни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

Жамғармани ривожлантириш ва ислоҳ этиш жараёнларини тармоқлараро тамойил асосида, яъни замонавий экологик таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, "сув — энергетика — озиқ-овқат" тартибидagi комплекс ёндашувлар негизида амалга ошириш муҳимдир.

Бундан ташқари, тузилманиннг асосий ҳужжатларида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш соҳасида умумэтироф этилган меъёрлар, принциплар ва ўзаро мажбурийатлар ўз ифодасини топиши лозим.

Биз, шунингдек, Жамғарманиннг амалдаги тузилмалари самарасини кадрлар ва техник салоҳиятни кучайтириш, компетенцияни кенгайтириш ҳисобидан тубдан ошириш тарафдоримиз.

▶ Давоми 2-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРГА ЎРНАК БЎЛМОҚДА

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбедаги учрашувидаги иштироки ва минтақаниннг халқаро тараққиёт учун аҳамияти тобора ортиб бораётгани ҳақида

14-15 сентябрь кунлари Душанбеда минтақамиз тақдири учун иккита муҳим саммит — Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашуви

ва Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари йиғилиши бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

СОҶА РИВОЖИ ЙЎЛИДА ҲАЛИ ҚИЛИНАЖАК ИШЛАР КЎП

Дунё миқёсида табиий ресурслар тақчиллиги кузатилаётган бугунги даврда интеллектуал мулк иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверига айланмоқда. Негаки, интеллектуал мулк, хоҳ ихтиро бўлсин, хоҳ товар белгиси ёки бадий асар, ўз эгасига йиллар давомида даромад келтирадиган, қиймати эса моддий объектлардан фарқли ўлароқ, камаймайдиган мулк ҳисобланади. Бунга табиий ресурслар чекланган ёхуд умуман мавжуд бўлмаган, лекин номоддий мулк, хусусан, интеллектуал мулк эвазига бугун етакчи иқтисодиётга эга Жанубий Корея, Сингапур, Япония каби давлатлар мисол.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

САММИТДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Иккинчи. Бугунги учрашувимиз арафасида биз Жамғарма доирасидаги лойиҳалар бўйича ўтган 30 йил давомида олиб борилган фаолият натижаларини таҳлил қилдик.

Асосий дастурий ҳужжатларимиздаги қондаларда ва лойиҳаларни бажариш борасидаги аниқ олдинга силжишни кўрсатадиган натижаларимизда фарқлиқ борлиги ўз-ўзидан равшан, албатта.

Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича тўртинчи Дастурнинг ижроси билан боғлиқ ҳолат ҳам бизнинг барча мамлакатларимизни ташвишга солиши керак, деб ўйлайман.

Бу борадаги ишлар асосан миллий режалар йўналишида амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан Жамғарма бошқарувиغا амалдаги Дастурни таққидий қайта кўриб чиқиш топширигини беришни тақлиф этаман. Бунда ҳар бир минтақавий лойиҳанинг ҳажми ва молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда, "йўл хариталари"ни, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича келишилган жадвални тайёрлашни назарда тутиш лозим.

Учинчи. Устувор минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб этиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорликни кучайтириш зарур.

Шу муносабат билан баъзи тақлифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, мамлакатларимизнинг ҳар бири аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгиланган ҳолда, минтақавий лойиҳаларга четдан кўмакни жалб этиш бўйича ўзига мажбурият олиши лозим.

Раислик қилувчи томоннинг мувофиқлаштириши асосида инвестицияларни ва техник кўмакни жалб қилиш ва тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, хорижий шериклар, етакчи халқаро институтлар ва донор ташкилотларни жалб этган ҳолда, қўшма лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш мақсадида махсус минтақавий конференция ўтказишни тақлиф этамиз.

Тўртинчи. Жамғарманинг ишчи органлари ва халқаро консалтинглар иштирокида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларини ривожлантириш бўйича узоқ мuddатга мўлжалланган режалар ишлаб чиқиш топширигини берсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу дарёлар ҳавзаларида вазиятнинг ривожланиши бўйича турли сценарийларни моделлаштиришни назарда тутиш муҳимдир.

Бундай стратегик ҳужжатларнинг қабул қилиниши минтақамизда сув-энергетика ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш сиёсатини мувофиқлаштиришга имкон беради, деб ишонаман.

Бешинчи. Сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда, ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ушбу масалаларни кўриб чиқишда Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ фаол жалб этилишига аминчим.

Хурматли саммит иштирокчилари! Экозимлар таназзули янада кучайишининг олдини олишда, энг аввало, Орол денгизи худудидидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида ҳуқуқлиқ ўтмоқчиман.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганини қайд этмоқчиман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги резолюцияси асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси ва Чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Сўнги бир неча йил давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди. Яқин икки йилда яна 400 минг гектар яшил худудлар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Оролбўйида биохилма-хилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, қўриқхоналар ва давлат ҳимоя худудлари яратилди.

Бугунги кунда Оролбўйи минтақасида қўриқландириган худудларнинг умумий майдони 4,6 миллион гектарни ташкил қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта миқдосдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Охириги 7 йил мобайнида мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида биз сувни тежаб бўйича Миллий дастурни ишлаб чиқиш ниятидамыз.

Биз сувни тежаб соҳасини Жамғарма фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, бу борада ҳамкорлигимизни кучайтиришимиз мумкин.

Келгуси йили Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Халқаро иқлим форуми доирасида жаҳоннинг етакчи компанияларининг сувни тежаб борасидаги технологиялари кўрсатмаларини ташкил этмоқчимиз.

Ана шу масалаларнинг барчасини комплекс кўриб чиқиш мақсадида мамлакатларимиз сув ресурслари, энергетика, экология ва иқтисодиёт вазирларининг доимий учрашувлари бўйича Минтақавий платформани таъсис этишни тақлиф қиламыз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! "Кўштепа" канали қурилиши бўйича ҳам ўз фикримни билдириб ўтмоқчиман.

Моҳият-этиборига кўра, минтақамизда сувдан фойдаланиш жараёнида бизнинг мамлакатларимиз билан ҳеч қандай мажбурият асосида боғланган янги иштирокчи пайдо бўлди.

Афғон томони канални қуриш бўйича фаол иш олиб бораётганини яхши биласиз.

Унинг ишга туширилиши Марказий Осиёдаги сувдан фойдаланиш тартиби ва мувозанатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

"Кўштепа" каналининг қурилиши ва унинг Амударё сувидан фойдаланиш тартибига таъсири билан боғлиқ барча жиҳатларни мамлакатларимиздаги тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда ўрганиш бўйича қўшма ишчи гуруҳини шакллантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон вакилларини сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга жалб этиш масаласини кўриб чиқишни тақлиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар! Сўзимнинг якунида Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевни Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раислигини қабул қилаётгани муносабати билан табриклайман.

Ишончлиқ билан, бугунги саммитимизда илгари сурилган ташаббуслар ва қабул қилинадиган ҳужжатларнинг амалга оширилиши Жамғарма доирасида халқларимиз фаровонлиги ва бутун Марказий Осиё минтақасининг гуллаб-яшнаши йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Этиборингиз учун раҳмат.

Бошланғичи 1-бетда

— Сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда, ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу масалаларни кўриб чиқишда Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ фаол жалб этилишига аминчим, — деди давлатимиз раҳбари.

Экозимлар таназзули янада кучайишининг олдини олишда, энг аввало, Орол денгизи худудидидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб, Президентимиз хозирги вақтда Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганини қайд этди.

— Сўнги бир неча йил давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди. Яқин икки йилда яна 400 минг гектар яшил худудлар барпо этиш режалаштирилмоқда. Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Оролбўйида биохилма-хилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, қўриқхоналар ва давлат ҳимоя худудлари яратилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта миқдосдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Охириги 7 йил мобайнида мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Ҳамкорларга сувни тежаб соҳасини Жамғарма фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, бу борада ҳамкорликни кучайтириш тақлиф этилди. Шу масалаларнинг барчасини комплекс кўриб чиқиш мақсадида сув ресурслари, энергетика, экология ва иқтисодиёт вазирларининг доимий учрашувлари бўйича Минтақавий платформани таъсис этиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон Президенти "Кўштепа" канали қурилиши бўйича ҳам ўз фикрини билдирди. Таъкидланганидек, минтақамизда сувдан фойдаланиш жараёнида янги иштирокчи пайдо бўлди.

БИЗ ВА ДУНЁ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ КўПЛАБ ДАВЛАТЛАРГА ўРНАК БўЛМОҚДА

Бошланғичи 1-бетда

Давлат раҳбарлари минтақавий ва глобал кўн тартиби масалалари бўйича "соатларни текширдилар" ҳамда Марказий Осиёнинг долзарб муаммоларини

ни ҳал этишга бўлган ёндашувларни муҳокама қилдилар. Президентимиз ушбу саммитларда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муаммоларга қарши курашиш бўйича консоллидацияланган ҳаракатлар ҳақида

фиқр-мулоҳаза билдирди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари катта қизиқиш ва эътибор билан кўтиб олинди, шунингдек, халқаро эксперт-таҳлил ҳамжамияти вакиллари ўртасида катта акс садо берди.

Али РАСТБИН, Париж геосиёсат академияси президенти (Франция):



— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбедаги учрашуви минтақа мамлакатларининг кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш савий-ҳаракатларини бирлаштириш заруратини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу учрашув минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда давлатлараро ҳамкорликнинг қатор устувор йўналишларига бағишланган.

вақт оголхантириш ва биргаликда жаваб қайтаришнинг минтақавий тизимини шакллантириш бўйича ташаббуси бугунги кунда долзарбдир.

Ўзбекистон Президентини ўз нутқида барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилли сифатида ўзаро боғланган транспорт йўлакларини шакллантириш зарурлигини ҳам таъкидлади. Дарҳақиқат, бу Марказий Осиё-

нинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш мақсадида мамлакатлар савий-ҳаракатини бирлаштиришга хизмат қилади.

Минтақада sanoat кооперациясини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, бу эса муваффақиятли шерикликни таъминлаш учун зарур. Илрик sanoat лойиҳалари амалга оширилиши минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Иқлим ўзгаришлари ва бундан келиб чиқадиган хавфхатарлар ҳозирги пайтда кун тартибидидаги долзарб масалалардан бири. Шу боис, Ўзбекистон раҳбари томонидан келгуси йил баҳор фаслида Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказиш ташаббуси илгари сурилгани бу борада ўзаро ҳамкорликда самарали чора-тадбирлар кўришга йўл очади.

Ли Жи ЁН, Чет тиллар университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари кафедраси мудири, профессор (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон Президентининг маслаҳат учрашувидидаги нутқи билан танишар эканман, Ўзбекистон ҳақиқатан минтақавий етакчи мамлакат ва нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Евроосиёда хавфсизлик ва барқарорликнинг ёрқин тарафдори эканига яна бир бор амин бўлдим.




Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган ўта оғир вазият ва Афғонистондан келиб чиқаётган турли таҳдидлар шароитида Марказий Осиё давлатлари хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига кўпроқ эътибор қаратиши талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг келгуси йил баҳорда Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказиш ташаббуси алоҳида эътибор қаратиши талаб этилмоқда. Бугунги кунда Самарқанд юқори даражадаги қатор муҳим халқаро тадбирлар марказига айланиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлаганидек, "Минтақа иқтисодий ўсиш ва инвестиция фаоллиги марказларидан бирига айланмоқда, Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда".

Лю СЮИ, Халқ университети ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари (Хитой):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Душанбе саммитидаги нутқини катта қизиқиш билан ўргандим. Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар минтақа давлатлари муносабатларида фаол, тизимли ва серқирра тус олган янги давр бошланаётганидан яққол далолат беради.



Буларнинг барчаси Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда минтақада хавфсизлик, умумий тараққиёт ва фаровонлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Эришилган аниқ-равшан муваффақиятлар ишонч билан шундай фикр билдиришга асос бўла олади.

Масалан, сўнги йилларда Марказий Осиё давлатларининг ялпи ички маҳсулоти 40 фоиз ўсди. Ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 6 баробар ошди, минтақа ичидидаги сайёҳлик кўрсаткичлари икки баробар кўпайди. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотикчилик барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида Марказий Осиё сўнги пайтларда дуч келаётган муаммоларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратгани баробарида мазкур хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш йўллари ҳақидаги фикрлар билан ҳам ўртоқлашди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа халқлари хавфсизлиги, тараққиёти ва фаровонлиги



ни ошириш манфаатлари йўлида савий-ҳаракатларни бирлаштиришга қаҳиргани шу нуқтага назардан асосий жиҳат бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг савдо, инвестиция, sanoat кооперацияси, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар, хавфсизлик каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари алоҳида эътиборга сазовордир.

Албатта, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар Марказий Осиё давлатларининг умумий манфаатларини акс эттиради. Ўзаро ҳамкорликдаги савий-ҳаракатларни бирлаштириш минтақанинг халқаро шериклар учун жозибадорлигини янада оширишга ҳам хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлаганидек, "Минтақа иқтисодий ўсиш ва инвестиция фаоллиги марказларидан бирига айланмоқда, Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда".

Алвис ЭГЛТИС, "ЛЕТА" ахборот агентлиги халқаро янгиликлар муҳаррири (Латвия):



— Ўзбекистон раҳбарининг Душанбе учрашувидидаги нутқи ва илгари сурилган ташаббуслар Тошкентнинг минтақада ишонч, яхши қўшнчилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилишдан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг савий-ҳаракати билан бугунги кунда минтақа иқтисодий ўсиш ва сармоявий фаоллик марказига айланмоқда.

савдо зоналарини тезроқ барпо этиш, минтақада барқарор савдо ва логистика занжирларини шакллантиришни назарда тутувчи минтақавий дастур қабул қилиш, чегара савдоси ва кооперация марказлари очилиши ҳамда кенгайтириш, қонунчиликни уйғунлаштириш ва ўзаро савдода тўсиқларни бартараф этиш, боғжона маъмуриятчилиги, санитария ва фитосанитария назорати учун ягона электрон платформалар яратиш бўйича илгари сурган ташаббуслари узоқни кўра оладиган, стратегик хусусиятга эга мазмун-моҳият касб этган ҳолда минтақанинг узоқ мuddатли барқарор ривожланишига кўмаклашади.

Муҳаммад ВАДИЪ, Халқаро эксперт, "SADA EL BALAD" ахборот агентлиги бош муҳаррири (Миср):

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашуви, шунингдек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг йиғилиши минтақавий шерикликни кенгайтириш ва илгари эришилган келишувларни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этиш масалаларини муҳокама қилиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг маслаҳат учрашувидидаги нутқида таъкидланганидек, сўнги йилларда Марказий

Осиёда барқарорлик ва бирлик мустаҳкамлашда. Минтақа иқтисодий ўсиш ва инвестиция фаоллигининг муҳим марказларидан бирига айланмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари дунёнинг турли минтақаларидаги кўплаб давлатларга ўрнак бўладиган долзарб соҳаларда муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Ўйлайманки, дунёда геосиёсий рақобат ва қарама-қаршилиқлар кучайиши, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кескинлашув шароитида яхши қўшнчилик ва ўзаро кўмак асосидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

СОҶА РИВОЖИ ЙЎЛИДА ҲАЛИ ҚИЛИНАЖАК ИШЛАР КЎП

Есемурат КАНҲЯЗОВ,
Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаменти бошлиғи



Интеллектуал мулк соҳасида аҳоли хабардорлиги хануз пастлигича қолмоқда. Афсуски, кўпгина фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари интеллектуал мулкни бозор муносабатларининг тўлақонли активи сифатида қабул қилмайди. Бундан ташқари, ваколатли органлар ходимлари ва судьяларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи масалалари бўйича малака даражаси билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Бошланиши 1-бетда

Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Мамлакатимиз интеллектуал мулк соҳасидаги бош халқаро тузилма — Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (БИМТ) аъзоси ҳисобланади.

Айни пайтда БИМТ шафелигида қабул қилинган халқаро шартномаларнинг 16 тасига аъзоимиз. Саноат мулки муҳофазаси тўғрисидаги Париж конвенцияси, Усимликларнинг янги навлари ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция, Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Мадрид келишувига оид протокол, Патент кооперацияси тўғрисидаги халқаро шартномалар шулар жумласидан.

Ўзбекистон муаллифлик соҳасида эса Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси, БИМТнинг Муаллифлик ҳуқуқи ҳақида Ижролар ва фонограммалар тўғрисидаги шартномалари, Кўзи охири, кўзида нуқсон бўлган ва босма ахборотни идрок этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чеklangан шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишнинг энгиллаштириш тўғрисидаги Мароккаш шартномаси ҳамкори ҳисобланади.

Мамлакатимиз бошқа қатор халқаро шартномаларга, хусусан, Ижрочилар, фонограммалар тайёрловчилар ва эфирга узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Рим конвенцияси, Товар белгилари ҳуқуқи тўғрисидаги Сингапур шартномаси, Саноат намуналари бўйича Гаага битимининг Женева акти, Келиб чиққан жой номи ва географик кўрсаткичлар тўғрисидаги Лиссабон битимининг Женева актига қўшилиш босқичида. Шу кунларда Аудиовизуал ижролар тўғрисидаги Пекин шартномасига қўшилиш масаласи ўрганилмоқда.

БИМТ билан ҳамкорлик бошқа соҳаларда ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, мамлакатимиз БИМТнинг аксар лойиҳаларига, мисол учун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича "WIPO IP Diagnostics" (Интеллектуал мулк диагностикаси), мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаруви ташкилотлар фаолиятига кўмаклашувчи "WIPO Connect" дастури каби платформалардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, БИМТ ва Адлия вазирлиги ўртасида 2023 йилнинг 7 июлида муаллифлик ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқзарарлик содир этган веб-сайтлар реестрини юритиш бўйича "WIPO ALERT" платформасидан фойдаланишга оид меморандум имзоланди.

Платформанинг асосий мақсади "қароқчи" сайтларнинг рекламалар ёрдамида даромад топишига чек қўйиш, муаллифлик ҳуқуқини бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотлар рўйхатини шакллантириш ва маълумотларни платформага аъзо давлатлардаги маҳаллий реклама агентликлари, тадбиркорларга етказиш ҳисобланади.

Бунда муаллифлик ҳуқуқини бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотлар рўйхати платформага аъзо давлатлар ички тартиб-қондаларига асосан масъул ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади ва ушбу рўйхат барча аъзо давлатларга танишиш учун тақдим этиб борилади.

Миллий қонунчилик такомиллаштирилиши

Соҳа бўйича миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам такомиллашмоқда.

Бунга мисол сифатида 2019 йилдан буюн соҳага оид 41 та қонунчилик ҳужжати, шулардан 8 та қонун, Президентнинг 10 та қарори, 9 та ҳукумат қарори ҳамда 14 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳаётга татбиқ қилинганини айтиш мумкин.

Бундан ташқари, Президент қарори билан мамлакатимиз тарихида ilk маротаба 2022-2026 йилларга мўлжалланган интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат долзарб аҳамиятга эга. Унда 2022-2026 йилларга мўлжалланган жами 7 йўналишда қатор чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Ўзбекистонда ҳудудий брендлар яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда "Made in Uzbekistan" бренди остида маҳаллий маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш ҳажмини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.



БИМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (FAO) кўмағида "Географик кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Пировавдида, Зомин тандир гўшти, Маргилон адреси ва атласи, Қўзон пичоқлари, Ёғдувон каболлари каби 5 та географик кўрсаткич давлат рўйхатидан ўтказилди.

Соҳага оид амалга оширилаётган ислохотлар

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) кириши бугунги устувор йўналишлардан биридир. Шу муносабат билан миллий қонунчиликни ЖСТ талабларига мувофиқлаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда.

Интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш жараёнини такомиллаштириш, рағбатлантириш ва рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айниқса: — саноат мулки объектларини рўйхатга олиш мuddатларини сезиларли даражада қисқартирувчи тезкор экспортга ўтказиш имконияти таъминланди;

— товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бевузылар томонидан тадбиркорлик субъекти мақомига эга бўлиши бўйича қонунчиликдаги чекловлар бекор қилинди;

— интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олишнинг барча босқичларини ўз ичига олган, такомиллаштирилган интеллектуал мулк бўйича электрон давлат хизматлари портали (ip.adliya.uz) ишга туширилди;

— патент вакилларининг ролини ошириш, ушбу касбга кели киришни таъминлаш ва патент вакили учун номзодларга қўйилмайдиган ортиқча талабларни бекор қилиш чоралари кўрилди; — хунармандлар учун товар белгиларини 2025 йилгача бепул давлат рўйхатидан ўтказиш имконияти яратилди; — экспорт қилувчилар учун 2025 йилгача хорижда географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш харажатларини давлат томонидан қоплаш тартиби жорий этилди.

Соҳа ривожига доир бундай ислохот ва ташаббуслар, илм-фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, албатта, ўз самарасини бери. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш динамикаси бундан тасдиқланади.

Хусусан, 2016 йилда 3002 та интеллектуал мулк объекти рўйхатга олинган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 13 минг

шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаридан 200 баробаргача жарима шаклидаги корпоратив жавобгарлик белгиланди. Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун ҳуқуқ эгасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробаридан 1000 баробаргача тоvon тўлаш тартиби жорий этилди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нафақат ҳуқуқбузарликлар билан курашиш, балки уларнинг олдини олиш бўйича ҳам янги механизмлар ишлаб чиқилди. Масалан, маҳсулотларни сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, шунингдек, фармацевтика воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ваколатли органлар томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилишини текшириш механизми жорий этилди. Ушбу чоралар контрафакт маҳсулотлар бозорига киришининг олдини олишда сезиларли натижа беради.

Божхона чегарасини кесиб ўтишда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўйилди. Том маънода, божхона органлари фаолияти фаол босқичга ўтказилди. Бошқача айтганда, эндиликда божхона органлари товар белгисига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилганини аниқласа, бу ҳақда товарларни чиқаришни тўхтатиб туриш бўйича кейинги чоралар кўриш масаласини ҳал қилиш учун ҳуқуқ эгасига билдиришнома юборади.

Соҳага оид суд амалиёти

Сўнгги уч йил ичида олдинги йилларга нисбатан суд ишларини кўриш ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш ҳолатлари сезиларли даражада ошди.

2019 йилга нисбатан 2022 йилда мазкур соҳада судлар томонидан кўрилган ишлар сони 5 баробар, адлия органлари томонидан кўрилган қонуний чоралар сони эса 9 баробар ошди. Шунингдек, мазкур соҳада ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида илк маротаба Олий суд пленумининг интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлари кўриб чиқишдаги энг долзарб масалалар бўйича қарори қабул қилинди.

Мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар

Албатта, ҳар бир давлат интеллектуал мулк соҳасида ўз тизимини яратар экан, муаммо ва камчиликлар бўлиши табиий. Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда миллий интеллектуал мулк тизимидаги мавжуд муаммолар устида доимий равишда иш олиб бормоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида аҳоли хабардорлиги хануз пастлигича қолмоқда. Афсуски, кўпгина фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари интеллектуал мулкни бозор муносабатларининг тўлақонли активи сифатида қабул қилмайди. Бундан ташқари, ваколатли органлар ходимлари ва судьяларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи масалалари бўйича малака даражаси билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Соҳага оид ҳуқуқбузарликлар учун қатъий чоралар йўқлиги, маъмурий жарималар миқдори анча пастлиги, интеллектуал мулк эгаларининг мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳали белгиланмагани жамиятда ҳуқуқбузарлик одатий ҳақида оддий ҳол сифатида қаралишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан ҳозирда саноат мулки объектларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун тоvon ундириш институтини жорий қилиш, ижрочилар томонидан бошқа шахсларга тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқи объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун қўлланиладиган самарали ҳуқуқий таъсир чоралари, хусусан, уларга тегишли лицензияни бекор қилиш тартибини жорий этиш, интернет тармоғида веб-сайт фаолиятини чеклаш асосларида интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш ҳолатини қиритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бу соҳа, айниқса, интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик ҳимоя қилиш мамлакатимиз учун нисбатан янги ҳисобланади. Шу сабабли, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда амалга оширилаётган ишлар ва вазифалар ҳали кўп.

ИХТИСОСЛАШГАН ПРОКУРОРЛАР КОРПУСИ

БУ ТИЗИМ КИМГА ВА ҚАЧОН КЎМАКЛАШАДИ?

Шаҳодат МАМАРАҲИМОВА,
Бош прокуратура катта прокурори

Ана шундай вазиятнинг ўзи тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эҳтиёжини юзага келтирди. Бунинг учун қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишининг таъсирчан механизми, юридик шахслар ўртасидаги низоларни суд, судгача ва бошқа муқобил усуллар билан ҳал этиш имконияти яратилди.

Иқтисодий судларда тадбиркорларга қўлай имконият яратиш мақсадида ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибига қўриб чиқиши белгиланди. Бундан ташқари, ишларни судгача ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида медиация институти жорий қилинди.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири иқтисодий судларда ишлар кўрилишида иштарок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади. Шу боис, Бош прокуратуранинг соҳавий бўйруғи билан прокуратура органларига иқтисодий судларда ишлар кўрилишида қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Айниқса, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, давлат мулкни ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш юза-

Президентимизнинг жорий йил бошида қабул қилинган "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатлар билан прокуратура органлари зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳат. Бу ҳужжатларда одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича иختисослашган прокурорлар корпуси фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

Хусусан: — қонунчиликда белгиланган тартибда судларда ишларни кўришда прокурор ваколатини таъминлаш; — суд процесси бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, одил судлов фаолиятининг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш, жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловини фақат қонунга асосланиб, ҳолисликни сақлаган ҳолда сифатли қўллаб-қувватлаш; — фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришиш;

— суд амалиётини келиб чиққан ҳолда, суриштирув ва тергов органлари ходимларининг амалий кўникмалари ҳамда малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш. Ушбу вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш мақсадида Бош прокуратуранинг соҳавий бўйруғи қабул қилиниб, унга кўра, Бош прокуратуранинг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишлари-

ни юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларининг шу йўналишдаги тегишли бўлим ва тармоқлари, туман (шаҳар) прокурорларининг ушбу йўналиш бўйича ўринбосарлари ва ёрдамчилари одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича иختисослашган прокурорлар корпуси этиб белгиланди.

Иختисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадиган ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари уларнинг судга иштироки билан боғлиқ фаолиятига бирор-бир тарзда ариалашшига йўл қўйилмайди.

Эндиликда суд ишларини юритишда прокуратура инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоячиси сифатида янги ҳуқуқий мақомада фаолият юритади.

Бойси, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида бизнинг олдимишга ҳам янги вазифалар қўйилган. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўналишида Конституция ва қонунлар устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон манфаатлари, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш каби мақсадлар шулар жумласидан.

Жорий йилнинг ўтган даврида прокурорлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва давлат манфаатларида иқтисодий судларга жами 11 миллиард сўмлик 8 минг 580 та даъво аризаси киритилиб, қаноатлантирилган ҳамда суд қарорларини қонунга мувофиқлаштиришда 146 та протест келтириш орқали судларга қонуний қарорлар қабул қилишда кўмаклашилган.

сидан судда прокурорларнинг даъволари (аризалари) кўрилишида прокурор иштирокчи таъминлаш орқали қонуний қарорлар қабул қилишга кўмаклашиш белгиланди.

Бу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда одил судловни таъминлаш бўйича олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиб, амалдаги Иқтисодий процессуал кодексга (ИПК) ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши ҳам яхши самара берапти. Унга кўра, ИПКнинг 49-моддасида прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси асосида кўзатишга назарда тутилган иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу қонун талаби бўйича прокурор бошқа шахсларнинг аризаларига кўра кўзатишга ишнинг муҳофазасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида прокурорлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва давлат манфаатларида иқтисодий судларга жами 11 миллиард сўмлик 8 минг 580 та даъво аризаси киритилиб, қаноатлантирилган ҳамда суд қарорларини қонунга мувофиқлаштиришда 146 та протест келтириш орқали судларга қонуний қарорлар қабул қилишда кўмаклашилган. Бунинг натижасида 150 га яқин тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Айни пайтда суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид нормалар янада такомиллашаётир. Бу борада



ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ

Гидроэнергетика соҳасида йилга ўртача 6 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Унинг аҳоли жон бошига улуши 168 килловатт-соатни ташкил этади. 2022 йилда жами электр энергиясининг 9 фоизи ва амалдаги қувватларнинг қарийб 12,9 фоизи ГЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган.

ОҚАР СУВЛАР ТАРАТГАНДА НУР

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қарийб 85 фоизи газада ишловчи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Қолгани қайта тикланувчи энергия манбалари — ГЭСлар ва қуёш фотоэлектр станциялари томонидан етказиб берилади. Жорий йил охиригача улар сафига шомол электр станцияси қўшилиши кутуляпти. Умуман олганда, 2026 йилга бориб, мамлакатда ҳосил қилинадиган электр қувватининг 30 фоизини «яшил энергия» ташкил этиши режалаштирилган.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти таҳлилларига кўра, Ўзбекистондаги дарё оқимларининг назарий гидроэнергетика салоҳияти йилга 88,5 миллиард, техник гидроэнергетика салоҳияти эса 27,4 миллиард килловатт-соатни ташкил этади. Ҳозирда ушбу имкониятларнинг тўртдан бирдан фойдаланилмоқда.

Гидроэнергетика соҳасида йилга ўртача 6 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Унинг аҳоли жон бошига улуши 168 килловатт-соатни ташкил этади. 2022 йилда жами электр энергиясининг 9 фоизи ва амалдаги қувватларнинг қарийб 12,9 фоизи ГЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган.

Янги лойиҳалар ва амалий натижалар

Тасаввур қилинг: оддий бир қишлоқ, кимдир далада, кимдир томорқада деҳқончилик қилади, бошқа бири чорва билан шугулланади, яна бири автомобилларга хизмат кўрсатувчи уста...

Ҳар бир оила ўзини боқади. Бу ерда ҳеч ким оч қолмайди, лекин айни пайтда аксар қишлоқ жуда зўр ҳам яшаймади. Кўпчилик оилалар ҳаёти бир зайил кецади. Уй-рўзгор ишлари, мол-қоғла қараш, нон-овқат қилиш, кир-чиروي, ер чипиш, ўт ўришнинг ҳаммаси қўлда бажарилади.

Туман марказидан нарида бўлгани учун лампочкани аранг қизартирадиган электр энергияси қўл телефонини қувватлантиришга, телевизорни тўлиқ ишлатишга етмайди. Бунинг устига, баъзан шу қувватнинг бўлганидан бўлмаган кунни кўпроқ.

Энди эса бошқа бир манзарани тасаввур қилайлик. Шу қишлоқда электр узлуқсиз ва тўла қувват билан таъминлана бошлади. Энг аввало, аёлларнинг ташвиши енгиллашади: кийим-кечакларни кир ювиш машинасига солади, сутни сепараторда айлантириб, ёғи ва қатинани ажратиб олади, чойни электр қотинда қайнатади. Пишириқ ва енгилроқ овқатлар учун ҳам электр плита ҳозир нозир. Қўндалик юмушларнинг енгиллашиши, ўз навбатида, хотин-қизларнинг бўш вақтини қўлайтиради. Улар зарур юмушлар ва бола тарбияси билан кўпроқ шугулланади.

Автомобилларга оддий хизмат кўрсатиб келётган уста ёнида электр хизмати кўрсатувчи, диагностика қилувчи, машиналар сиртига нозик ишлов берувчи, шиналарини таъмирловчи шогирдлар пайдо бўлади. Ун тегирином, новвойхона, ателье, қўл телефонини тўзатиш устaxonаси ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлашига йўл очилади. Мақтабларда компьютер синфларидаги таҳсил тубдан ўзгаради, интернет тармоғи ва телевизорларнинг доимий ишлаши билан аҳолининг саводхонлиги, маданий-маърифий савияси ҳам ортиб боради...

Бугунги кунда бундай қўлайликларни қишлоқ ҳудудидан ўтган сой ёки каналнинг оқимиغا қараб, микро ва мини гидро электр станция ўрнатиш орқали яратиш мумкин. Улардан қуввати ортиқроқ ГЭСлар қурилиши эса имкониятларни янада кенгайтиради.

Ҳудди шундай имкониятларнинг ишга солинишидан шу йилнинг ўзида ўн минглаб хонадон баҳраманд бўла бошлади. Хусусан, Самарқанд вилоятининг бир қатор туманлари ҳудудидан ўтган Дарғом каналда иккита кичик ГЭС ишга тушди. Уларнинг бири Тайлоқ туманидаги Новазандқ маҳалласида қурилган «Шовдор-1» ГЭСи май ойидан бошлаб кунга 7,2 мегаватт миқдорда узлуқсиз электр энергияси етказиб берапти. Бу 10 минг хонадонни «яшил энергия» билан таъминлаш учун етарли бўлади.

Ушбу кичик гидроэлектрстанция Хитойнинг «ТВЕА» компаниясининг 15 миллион долларлик инвестиция маблағи ҳисобидан қурилди, — дейди «Шовдор-1» кичик ГЭСи бошлиғи Фарҳод Тоҳиров. — Унга иккита замонавий генератор ўрнатишган. Уларнинг ишлаши, ҳосил қилинган қувватни ягона электр энергетика тизимига узатиш жараёни инсон иштирокисиз, «ақли технологиялар» орқали бажарилади. Бироқ бу ишлар малакали мутахассислар томонидан кузатиб борилиши, зарур пайтда, масалан, сув оқими бир оз осган ёки камайган пайтда унга узгарти-

ришлар киритилиши керак. Ёки электрон дастур бирор жойда носозлик пайдо бўлганини кўрсатса, зудлик билан сошлашга тўғри келади. Лекин шу пайтгача бундай муаммага дуч келмадик. Станциямиз худди энг соз соатдек ишлаб турибди.

Кичик ГЭС жамоаси ўн кишидан иборат. Бошқа электр станцияларида катта тажриба орттирган Фарҳод Тоҳиров бошқоқ бўлиб турган 9 нафар шогирдининг ҳаммаси олий маълумотли муҳандислар. Уларнинг айтишича, станция ишга тушгандан буюн бирон-бир носозлик руй бермаган, аҳолига узлуқсиз электр энергияси етказиб бериляпти.

Новазандқдан беш ярим километрча юқорида бўлган Элипоқ маҳалласи ҳудудига ҳам хитойлик ҳамкорлар маблағи ҳисобидан яна бир кичик ГЭС барпо этилди. Ушбу станция ҳам ўн минг аҳолини мунтазам электр энергияси билан таъминлаш имкониятига эга. Қўндалик бу вазифа узлуқсиз бажариб келинапти. Уни ҳам ёш муҳандислар бошқармоқда.

Каналнинг яна юқориқоқ томонига юрсангиз, Галаботир маҳалласида «Шовдор-3» кичик ГЭСнинг биринчи генераторида сўнгги сошлаш ишлари кетаётганининг гувоҳи бўласиз. Иккинчисининг ҳам тез орада қувват бериши учун 180 нафардан зиёд қурувчи ва 20 дан ортиқ махсус техникалар сафарбар этилган. Бу



лойиҳа россиялик ҳамкорларнинг 18,4 миллион долларлик инвестиция маблағи ҳисобидан амалга оширилляпти. Станция соатига 6,4 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариши кўзда тутилган.

«Самарқанд ГЭСлар каскади» унитар корхонаси маълумотига кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши изчил амалга ошириш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган аҳтиёжини янада кўпроқ таъминлаш мақсадида канал ҳудудида таъминловчи ёрдамчида яна 9 та микро ГЭС қуриш режалаштирилган. Бундан ташқари, хусусий инвесторларга қуввати 500 килловаттгача бўлган микро гидроэлектрстанцияларни қуриш учун тақлиф этилаётган лойиҳалар мавжуд. Жумладан, Тайлоқ туманида яна 3 та, Ургут туманидан ўтувчи Айланма дарғом каналда 6 та микро ГЭС қурилиши кўзда тутилган. Шунингдек, инвесторлар ёрдамида Иштихон туманидан оқиб ўтган Миёнқол-Хатирчи каналда 2 та, Зарафшон дарёсининг Булунгур тумани ҳудудида 3 та, Жомбой тумани қисмида 2 та, жами 16 та микро ГЭС қуриш тақлифлари берилган.

Шу йил июль ойи охирида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Испай маҳалласи ҳудудидан ўтувчи сойда ҳам микро ГЭС иш бошлади. У «Гидропроект» АЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида барпо этилди. Соининг узунлиги 13 километр, секундига 2,4 метр куб сув ўтказида. Урганишлар баҳор келиши билан ўндан оқадиган сув қўяна бошлаши, ёз ойларида янада жамийишни, куз-қиш мавсумида анча камайишини кўрсатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, лойиҳачилар соатига 200 килловатт қувват берадиган микро станция қуриш мумкинлиги ҳақида тўхтамаг келди. Уни қуриш, агрегатларни ўрнатиш ва сошлаш билан боғлиқ барча юмушлар «Ўзгидроэнерго»

АЖ таркибидаги қурувчи ва муҳандислик корхоналари томонидан амалга оширилди. Хусусан, гидрогенераторлар «Сувсаноатмаш» АЖ ишлаб чиқариш негизда, саноат кооперацияси асосида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда тайёрланди. Натижада ягона тармоққа йилга 1,75 миллион килловатт-соат қувват етказиб берадиган митти станция мана бир ярим ойдири, аҳоли уйлари чароғон этиб келяпти.

Бўстонлиқ тумани Уғом дарёсида умумий қуввати 4 минг 500 килловаттга тенг бўлган 3 та мини гидро иншоот каскади қурилиши, Ҳазалкентда қуввати 600 килловаттга тенг бўлган 2 та кинетик агрегатли микро ГЭС қурилиши бўйича «Гидропроект» АЖ томонидан ишчи лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати 20 миллион килловатт-соатга тўғри келади. Ушбу лойиҳа туфайли Бўстонлиқда-

Андижон вилоятида аниқланган дастлабки рўйхатга кўра, умумий қуввати 19 мегаваттлик жами 52 та микро ГЭС қуриш режалаштирилган. Шундан қуриш йилда умумий қуввати 2 минг 130 килловаттлик 7 та қайта тикланувчи энергия манбалари, хусусан, сув босимида ишловчи 3 та микро ГЭС, сув юзида сузиб туривчи 2 та кинетик гидроагрегат ҳамда 2 та чархпалак туридаги лойиҳанинг ишга туширилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш туфайли ҳудудда узлуқсиз электр энергияси таъминотига эга бўлиш билан бир қаторда, 40 га яқин янги иш ўрни яратилади. Қурилиш-монтаж ишлари тендер савдолари орқали аниқланган маҳаллий пудрат ташкилоти томонидан 45 кўнда амалга оширилади. Бундан ташқари, 2023-2024 йилларда Андижон вилоятида қуввати 6,9 мегаватт, ўртача йиллик энергия ишлаб чиқариш қуввати 33 миллион килловатт-соатга тенг «Жанубий Фарғона каналда ЖФК-3 ГЭС қурилиши» лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Уни ишга тушириш орқали келгусида Булоқбоси туманидаги 14 минг хонадонни экологик тоза энергия билан таъминлаш мумкин бўлади.

ГЭСларни бунёд этишда бошқа инновацион имкониятларни ишга солишга ҳам катта эътибор қаратилади. Бу йўналишда ГЭСлар ва сув омборларига ёндош ҳудудларда умумий қуввати 100 мегаватт бўлган шомол ҳамда қуёш электр станциялари қуриш, сув юзасида сузиб туривчи кинетик турбиналик агрегатлар ўрнатиш назарда тутилган умумий қуввати 4,2 мегаваттлик пилот лойиҳаларни қамраб олган. Уларни амалга оширишга доир ўрганиш ишлари ижобий натижа берди. Шу боис, 2023 йил кунгига қадар ГЭС ва сув омборлари ҳудудларида қуввати 10 мегаваттлик қуёш электр қувватларини ишга тушириш орқали «гибрид станциялар» яратилади.

Яна бир эътибори томони, 2023 йилда жамият томонидан қуввати 26 мегаватт


Fitch Ratings

«Fitch ratings» халқаро кредит рейтинг агентлиги «Ўзбекгидроэнерго» АЖ фаолиятини баҳолаб келади ва тўрт йилдан бери ўз мавқеини барқарор ҳолатда сақлаб турибди. Жорий йилда ҳам жамият ВВ-(барқарор) халқаро кредит рейтингини сақлаб қолди ва бу борадаги кўрсаткични бир поғонага ошириб, В+ даражага кўтарилди. Бу билан у Ўзбекистонда шу даражага эга бўлган Топ-корхоналар рўйхатидан жой олди.

ги 4 минг 200 та хонадонни ёки 16 минг 800 нафар аҳолини экологик тоза электр энергия билан таъминлаш имконияти яратилади.

Андижон туманининг Завроқ маҳалласидан ўтган каналда қуввати 200 килловатт, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,2 миллион килловатт-соат бўлган микро ГЭС ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Ушбу лойиҳа туфайли Андижон туманидаги 300 та хонадон ёки 1 минг 200 нафар аҳолини экологик тоза электр энергия билан таъминлаш имкони яратилди. Хусусий сармоя ҳисобига қурилган митти ГЭСнинг умумий қиймати 3,4 миллиард сўмни, ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплаш мuddати 4,4 йилни ташкил этади.

Олтинқул туманидан ўтувчи Улуғнор каналда қурилган икхач ГЭС ўзига хос аҳамиятга эга. У бевосита каналнинг устига қурилган. Қуввати 50 килловатт, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 360 минг килловатт-соатни ташкил этган мазкур иншоот 150 та хонадонни узлуқсиз электр энергияси билан таъминлай олади. Бунинг учун чархпалак типдаги агрегат «Сувсаноатмаш» АЖда миллий бренд асосида ишлаб чиқарилди.



яни иш ўрни юзасида келади. Шунингдек, жорий йилда жами 60 та, шундан «Ўзгидроэнерго» АЖ томонидан 22 та сув босими билан ишловчи ва 12 та сув юзасида сузиб туривчи кинетик турбиналик қурилма, хусусий сектор томонидан 16 та сув босими билан ишловчи агрегат ва 10 та чархпалак типдаги «иншоот» ишга туширилади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳудудларда инновацион технологиялар (сув турбиналик, турбулент оқимли гидротурбина, шнекли турбиналардан фойдаланган ҳолда, қўшимча электр энергиясини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Мисол учун, сўғориш каналларидаги барча сув олиш нуқталарига 18,5 минг донна турбулент оқимли гидротурбиналарни ўрнатиш натижасида 1,1 миллион уй ҳўжалигини соф электр энергияси билан таъминлаш мумкин. Бу юртимиздаги жами уй ҳўжаликларининг 15 фоизини ташкил этади.

Қарорлар қандай ижро этиляпти?

— Президентимизнинг 2021 йил 10 декабрдаги «Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида хусусий сектор иштирокида қуввати 125 мегаватт, йиллик ўртача ишлаб чиқариши 675 миллион килловатт-соат бўлган 250 та микро ГЭС лойиҳасининг манзилли рўйхати шакллантирилган, — дейди «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси Абдугани Сангинов.

— Бу жараёнда ҳам уларнинг географик жойлашуви, сув оқимларининг барқарорлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, иқлим ўзгаришлари туфайли сувлар камайиши юзасида келаяётганини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳаларни ишлашда жорий сув ҳажмидан 15 фоизга пасаитириб оляпти. Бундан ташқари, катта агрегатлар ёнига кичиклари ҳам қўйилляпти.

Айни пайтга қадар 50 дан ортиқ лойиҳанинг паспорти, ер майдонлари топотасвирга туширилиб, контурлари аниқланди. Уларнинг 17 таси бўйича тадбиркорларга тақдим этиш учун ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилди, 14 таси юзасида ер майдонлари маҳаллий идоралар билан келишилди. «E-auction» электрон платформасида савдоларга киритилган. Жорий йил охиригача яна 50 та микро ГЭС бўйича лойиҳа ташаббускорлари аниқланади. Яна шунча гидроиншоот бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, электрон аукционга қўйиш устида иш кетаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 30 мартдаги «Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар қўлими янада кенг. Унга мувофиқ, 2023-2030 йилларга мўлжалланган гидроэнергетикани янада ривожлантириш дастури тасдиқланди. Мазкур дастурга қўшимча истиқболли лойиҳалар киритилиши ҳисобига 2030 йилга бориб, ҳосил қилиниши белгиланган 3 минг 416 мегаватт электр қуввати ҳажми қарийб 5 минг мегаваттга етказилади.

Ҳудудлар кесимида олганда, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида умумий қуввати 876 мегаватт бўлган Юқори Пском, Қоронгўтуғай, Толдиқой ГЭСлари, Ойған гидроэлектрстанциялари каскади ҳамда Юқори Пском гидротўплаш электр станцияси, Наманган вилояти Норин дарёсида умумий қуввати 225 мегаватт бўлган Норин, Сурхондарё вилояти Сағрисиё туманида умумий қуввати 264 мегаваттлик Юқори Тўпаланг ГЭСлар каскадини қуриш мўлжалланмоқда.

2023-2030 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш ва гидро-салоҳиятдан фойдаланиш даражасини

мавжуд гидро салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, янги қувватларни яратиш ва мавжудларни модернизация қилишга қаратилган 47 та инвестициявий лойиҳа ҳамда 2023-2025 йилларда кооперация асосида маҳаллийлаштириш учун тақлиф этилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи ва ахтиёт қисмларнинг рўйхати ҳам тасдиқланди.

Мустақиллик байрами арафасида «Тошкент ГЭСлар каскади» унитар корхонаси таркибидаги «Оқ-қоқоқ ГЭС-1» да ҳам худди шундай тадбир ўтказилди. Натижада аввал 34,7 мегаватт бўлган иншоотнинг қуввати модернизациядан кейин 39,7 мегаваттга етказилди. У Чирчиқ шаҳри аҳолиси ҳамда иқтисодий секторига йилга 213,8 миллион килловатт-соат электр энергияси етказиб бериш имкониятига эга бўлди.

Икки ГЭСдаги модернизация ишлари Хитойнинг соҳада етакчи корхоналаридан бири — «CNTIC» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Жорий йилдаги йирик ишларга тўхталадиган бўлсак, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан қуввати 196,8 мегаватт бўлган 7 та катта лойиҳа амалга оширилди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 556,2 миллион килловатт-соат бўлган мазкур лойиҳалар ижроси таъминлашни натижасида 190 та янги иш ўрни яратилади.

Дастурга мувофиқ, 2030 йилга бориб соҳада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий этилган лойиҳалар қувватини 445 мегаваттга етказиш ҳамда бу мақсадлар учун 831 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилиши борасида амалий ишлар олиб борилади. Бу умумий қуввати 46 мегаватт бўлган 5 та ГЭСни ишга туширишни назарда туттади.

Юртимизда гидроэнергетика соҳаси, хусусан, микро ва кичик ГЭСлар қуриш ва зарур ускуналарни маҳаллийлаштириш борасида ҳам ишлар кенг қўлам касб этиб борапти. Хитойнинг гидроэнергетика соҳасида юқори тажрибга эга бўлган «Zhejiang jinlun electromechanic» ва Хиндистоннинг «MACLEC technical project laboratory» компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда қуввати 2 мегаваттдан 15 мегаваттгача бўлган гидроагрегатлар ишлаб чиқаришга киришилди. Режага мувофиқ, мазкур ишлар икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган. Жамият тизимидаги корхоналар ишлаб чиқариш базасида 2024 йил 1 январга қадар қуввати 1 мегаваттгача бўлган, 2025 йил 1 январгача қуввати 15 мегаваттгача бўлган гидроагрегатлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилади. Мазкур турбина ва гидроагрегатлар ўзбек миллий бренди — «Made in Uzbekistan» номи остида тайёрланиб, қўшни давлатлар бозорига ҳам тақлиф этилади.

Яна бир муҳим жиҳат, ўз соҳасида жаҳонда етакчилардан бири ҳисобланган «Fitch ratings» халқаро кредит рейтинг агентлиги «Ўзбекгидроэнерго» АЖ фаолиятини баҳолаб келади ва тўрт йилдан бери ўз мавқеини барқарор ҳолатда сақлаб турибди. Жорий йилда ҳам жамият ВВ-(барқарор) халқаро кредит рейтингини сақлаб қолди ва бу борадаги кўрсаткични бир поғонага ошириб, В+ даражага кўтарилди. Бу билан у Ўзбекистонда шу даражага эга бўлган Топ-корхоналар рўйхатидан жой олди.

2023 йилда берилган рейтинг ўтган йилнинг молиявий таҳлиliga берилган баҳо ҳисобланади. «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг молиявий-иқтисодий бизнес стратегияси ҳолати мустақам ўсиб бораётганини ижобий баҳолади. Жамият томонидан 2022 йилда 8 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида қўшимча 178 мегаватт ишлаб чиқариш қуввати яратилди ҳамда унинг умумий ҳажми 2 минг 230 мегаваттга етказилди.

Бу натижалар келгусида «Ўзгидроэнерго» АЖнинг иқтисодий барқарорлигини янада оширишга хизмат қилади ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий кредитларни давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри жалб қилиш имкониятини беради.

Табий савол туғилади, шовиллаб оқадиган сой ва ариқлари бўлмаган жойларда электр таъминоти қандай таъминланади? Бундай шароитда яшайётган аҳоли хонадонлари томига электр панеллар ва адриқларда шомол турбиналарини ўрнатиш қўн келади. Бу хусусидаги мушоҳадалар эса кейинги таҳлилларимизга мавзу бўлади.



бўлган 34 лойиҳа ишга туширилади. Шундан 22 таси сув босимида ишловчи микро ГЭСлар бўлса, қолгани сув юзасида сузиб туривчи «кинетик» агрегатлардир. Натижада 47,6 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади, 48 минг 600 хонадон электр энергияси билан таъминланади ва 106 та

оширишнинг янгиланган мақсадли кўрсаткичлари белгилаб олинди. Шунингдек, республиканинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган ва 2023-2027 йилларда амалга ошириладиган умумий қуввати 748,5 мегаватт бўлган 9 та, 2024-2030 йилларда



“ОЛТИН ДАВР”ГА КЎЗГУ



Янги ўқув йили бошланди. Бундай пайтда аксарият талабалар кун тартибда биринчи ўринда ётоқхона масаласи туради. Йилдан-йилга олий таълим тизимида квоталар сони кўпайиб, талабаларни турар жой билан таъминлаш ҳам долзарб масалага айланиб бораётган. Айниқса, Тошкент шаҳрида янги ўқув йили бошланиши билан талабаларнинг ётоқхона ёки ижара уй излаш таъминоти авж олади. Сабаби ҳозирча пойтахтда жойлашган ОТМлар талабаларни ётоқхона билан тўлиқ таъминлаш қувватига эга эмас.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликнинг август ойида берган маълумотига кўра, бугунги кунда мамлакатимиздаги талабалар турар жойлари сони 302 тани ташкил этиб, 116 мингдан ортиқ йигит-қизни сиғдира олади. Республика бўйлаб кундузги таълимда таъ-

биринчи курс талабалари шаҳарни яхши билмаслиги, бу борада таърибаси бўлмагани туфайли жойлашиш анча машаққатли жараён. Ҳам нархи, ҳам жойлашув маъқул бўлган ижара уй топиш учун кўп ҳолларда бир кун камлик қилади. Пойтахтда қариндошлари йўқ, кўч-кўро-

биринчи курс талабаларини ётоқхоналарга жойлаштиришнинг электрон тизими ишлаб чиқилиб, уларга Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон ариза юбориш имконияти яратилди.

Вазирлик томонидан ётоқхоналарга чин етим талабалар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногиронлиги бўлган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар (шунингдек, турли ижтимоий дафтарга киритилган оила фарзандлари, икки ёки ундан кўп боласи контрактда ўқитган оила фарзандлари), шунингдек, чет эллик талабаларни жойлаштиришга асосий урғу берилди.

Ётоқхонада яшовчи айрим талабаларга тўлов бўйича ҳам имтиёзлар белгиланган. Жумладан, кўз касалликлари бўйича I ва II гуруҳ ногиронлари, чин етимлар (ота-онасининг ҳар иккиси вафот этганлар) ва етимлар (ота-оналаридан бири вафот этганлар), Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар

Ботир МАЛЛАБОЕВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, биринчи курсга қабул қилинган ва талабалар турар жойи билан қамраб олинмаган талабаларга сентябрь ва октябрь ойлари учун ижара шартномаси талаб этмасдан ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилди. Бу ижарада яшайдиган талабаларга қулайлик яратди.



Давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида (хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида таълим олаётган талабалардан ташқари), давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида тахсил олишдан қатъи назар, ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларнинг 60 фоизига ижара ҳақи давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилди.

60 фоизига ижара ҳақи давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилди.

Ижара тўловини олиш учун талабалар мустақил равишда намуна шаклидаги анкета-аризани икки нусхада тўлдириб, ижара шартномаси нусхаси ва ўзи таълим олаётган факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари ёки ОТМнинг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлими масъулларига топширади.

Куйидаги ҳолатларда ариза берувчига ойлик ижара тўловининг бир

тугадиган кейин тақдим этилганда.

Ижара тўлови ўқув йили давомида, яъни 1 сентябрдан 30 июнга қадар — 10 ойлиги қоплаб берилди. Шунингдек, давлат олий таълим муассасалари томонидан ижара ҳуқуқи асосида яшаётган, бироқ ижара тўловлари ушбу қарорда белгиланган тартибда давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган талабаларнинг 60 фоизидан ортиқ қисми учун ойлик ижара тўлови бир қисмини ушбу олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланган мезонлар ва тартиб ҳисобида молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши мумкинлиги белгиланди. Бунда талабгорларга ойлик ижара тўловининг бир қисми ижара шартномасининг суммасидан қатъи назар, Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари, қолган ҳудудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баробари миқдорда тўланади.

Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида талабгорлар комиссияси томонидан аниқланади. Талаба аризага айрим тасдиқловчи маълумотларни илова қилиши лозим ва ижара тўловини тўлаш шу мезонлар асосида аниқланади.

Булар ҳам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган кўп болали оила фарзанди, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлганлар, васийлик ёки ҳимойлик белгиланган ва оилага тарбияга (патронат) олинган болалар, “Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди, онаси “Аёллар дафтари”га киритилган оила фарзанди, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг фарзанди, оила аъзолари ичида “Меҳнат-миграция” дастурида рўйхатдан ўтганлар ҳамда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлар, ота-онаси ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар, олий таълимда икки ва ундан ортиқ боласи контрактда ўқитган оила фарзанди, олий таълим муассасасида ўрнак кўрсатган ва фаол бўлганлар, фан олимпадалари ва спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ғолиблари, кўрсаткичлари юқори бўлган, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол қатнашган, жамоатчилик асосида тартибда гуруҳларидаги волонтерлик фаолияти билан машғул талабалар.



қисмини қоплаб бериш рад этилиши мумкин:

— ижара шартномасини қалбақлаштирилган ва нотўғри маълумотлар тақдим этган талабалар;

— ариза берувчининг ижара шартномасида кўрсатилган манзилда яшамаслиги, ижарада яшаётган ман-

ТАЛАБАЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙ МУАММОСИ: УНГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА?

сил олгувчи талабаларнинг умумий сони эса ярим миллиондан ортиқ. Демак, уларнинг 20 фоиздан зиёди ётоқхонага жойлашиши мумкин, холос.

Иккинчи курс ва ундан юқори бўлган талабалар учун Тошкентда ижара хонадонни топиш, жойлашиш бирмунча осон. Бироқ тест синовини ўз ҳудудида топширган, пойтахтда энди келаётган

ни билан келган шундай талабалар аҳволини тасаввур қилаверинг...

Утган йили ижтимоий тармоқларда айнан шу каби жараёнлар акс этган суратлар кўп бўлиб келди. Ҳам нархи, ҳам жойлашув маъқул бўлган ижара уй топиш учун кўп ҳолларда бир кун камлик қилади. Пойтахтда қариндошлари йўқ, кўч-кўро-

ётоқхона тўловларидан бутунлай, умумий касалликлар бўйича II гуруҳ ногиронлари, вазифасини намунали бажарётган талабалар кенгаши раиси, қават сардори ҳамда ётоқхона кутубхонаси учун масъул талабалар умумий тўловнинг 50 фоизидан озод этилади. Бу бўйича имтиёзни олий таълим муассасаси кенгаши белгилайди.

Давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида (хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида таълим олаётган талабалардан ташқари), давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида тахсил олишдан қатъи назар, ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларнинг

зил ота-онаси (қонуний вақиллари) га тегишли экани, ижара шартномаси тегишли тартибда расмийлаштирилмагани;

— тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;

— ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилишнинг охириги санаси

Юқори курс талабалари ҳам турар жой билан таъминланадими?

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик томонидан жорий йилда юқори курс талабаларини ҳам турар жой билан таъминлашда навбатларнинг олдини олиш, ўқув йили бошланиши арафасида турар жойсиз қолиши эҳтимолини бартараф этиш мақсадида Талабалар турар жойлари ва ижара хонадонлари бўйича маълумотлар маркази ишга туширилди.

Марказнинг асосий вазифаси ётоқхонага эҳтиёжи бор талабаларни аниқлаш, рўйхатга олиш ҳамда шакллантирилган база асосида ижара хонадонларига жойлаштириш этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Тошкент шаҳрида яшаётган талабалар учун 330 минг сўм, вилоятлардаги талабалар учун эса 165 минг сўм миқдоридан ижара пули давлат томонидан тўлаб берилиши йўлга қўйилган.

Ижара учун тўлов фақат кундузги таълимда, бюджет ёки контрактда ўқишдан қатъи назар, ижарада яшаётган талабаларга берилди.



Ётоқхонага жойлаша олмадим, бироқ...

— Ўзбекистон Миллий университетининг учинчи курсида тахсил оламан, — дейди Асал Ярашева. — Икки йил ётоқхонага яшаганман. Ҳам ўқишимга яқинлиги, ҳам ота-онаминг бежавотир бўлиши учун ётоқхона ҳар томонлама қулай.

Нарх-наво квартиралар нархидан анча арзон. Шунинг учун бу йил ҳам ётоқхонага жойлашишни мақсад қилганим. Тўторимиз ариза қабул қилиш бошланган, тезроқ ҳаракат қилиш кераклигини айтган, августнинг охирида мана шу масалани ҳал этиш учун Тошкентга қариндошимизнинг уйига келдим.

Оилада мендан ташқари укам ҳам тўлов-контракт асосида ўқийди. Отам ҳам, онам ҳам маош эвазига оилани таъминлайди. Шуларни инобатга олиб, менга ётоқхона беришса керак, деб ўйлаган эдим. Тақдим этилган ариза намуналарини тўлдириб, деканатга олиб бордим. Бу масала билан декан ўринбосари шуғулланаётган экан. Аризамни ўқиб кўриб, мен каби бир оилادا икки ёки уч бола контрактда ўқийдиганлар кўпчилиги, ётоқхона ажратишда ногиронлиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож, чин етимларга асосий устунлик берилётганини тушунирди. Менга эса университетда талабалар учун квартира излаётган гуруҳ ишлаётганини, ижара шартномаси тузишда ҳам

ёрдам берилишини ҳамда шу асосда давлат томонидан ҳар ой 330 минг сўм ажратилишини айтди.

Рости, бу гапларга ишонмай, шунчаки “қурдук ваъда”, шу 330 мингга олишда ҳам қандайдир муаммолар бўлса керак, деб ўйладим. Декан ўринбосари рўйхатга телефон рақамини киритди. Уша куни квартира излашга тушдим. Эълолардаги квартиралар, асосан, ўқишимга узок туманларда, нархлари ҳам арзон эмас.

Умидсизликка тушиб, қариндошимизникига қайтдим. Эртасига деканатдан кўнғироқ қилишди. Университет атрофидан киши бошга 600 минг сўмдан квартира борлигини, ижара шартномаси ҳам қилиб берилишини, университетга келиб учрашишимни айтишди.

Квартира ўқишимга пийёда 15 дақиқалик йўл экан. Икки хоналик уй, жами олти қиз кўйиларкан. Эртасигаёқ кўчиб ўтдим. Мен билан ҳам-курс дугонам ҳам турадиган бўлди. Уша кунёқ ижара шартномасини тузди. Давлат томонидан 330 минг сўм тўлаб бериладиган бўлди. Демак, квартира нархи менга 270 минг сўмдан тушди. Ётоқхона нархи эса 250 минг сўм. Орадаги фарқ — 20 минг сўм!

Рости, бундай ғамхўрликдан мен ҳам, отам ҳам хурсанд бўлдик.

Ижара бозорига нарх кўтарилган

Тахсилларга кўра, охириги 2 йилда кўчмас мулк бозорига нарх-наво масаласида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Уй-жой нархларининг кескин ошиши ижара тўловлари ўсишига сабаб бўлмоқда. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига кўра, утган йилнинг август ойига нисбатан Тошкент шаҳрида иккиламчи уй-жойларнинг ўртача нархи 31,6 фоизга ошган. Бу эса ижара тўловларининг ҳам тақрибан шунча фоизга ортиганини билдиради.

Ижара эълоларини кўздан кечирсак, аксарият ижарачилар 2 хонали, ўртача таъмирли хонадонларни 4 миллион сўм атрофида баҳоламоқда. Бундай квартирада 5 талаба яшаса, ҳар бирига 800 минг сўмдан тушади. Демак, бозор ҳолатидан келиб чиқиб, ижара пулининг бир қисмини қоплаб бериш тизимини яна қайта кўриб чиқиш мақсадага мувофиқ бўлади.

Биз ётоқхона ҳамда ижара хонадонга жойлашган талабалар фикри билан қизиқдик.

Онамга катта ёрдам

Элбек Бобоқулов Қарши давлат университетининг биринчи курсида ўқийди. Университетга тайёрганиб юрган кезлари уни ҳаммаси бир савол уйлантирди: “Елғиз онам мени қандай қилиб шаҳарда ўқитади?”

Отаси вафот этган, табиийки, уларнинг ҳаётида қийинчилик бошланди. Опасининг бўйи етиб қолган. Уни узатиш учун пул керак, тўлиқ ўзини-ўзи бўлмади. Қолаверса, рўзғордан ортириб, сарпо-суруқ ҳам қилинмаган. Қишлоқ шароитида даромад топиш осон эмас. Элбек ҳали ёш, мактаб ўқувчиси. Экин-тикин, эчки-улоқ боқиш билан куни ўтди. Палта терим мавсумида она-бола чиқиб, рўзғорининг анча-мунча камини ростларди.

Опанми узатганимиздан кейин ҳамма юмуш онамнинг гарданида қилиб кетди. Ҳар куни қийналганини кўрадим, лекин ёрдам бера олмадим, — дея хотирлайди Элбек. — Ана шундай пайтда фақатгина яхши ўқиб, катта натижаларга эришибгина онаمنى турмуш ташвишларидан қутқара оламан, деган қарорга келганман. Бунинг учун тинмай тайёрганим ва ҳаётимдаги илк ютуғим — талаба бўлиш бахтига эришдим. Қарши давлат университетининг тарих йўналишига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилдим.

Ичимни “Онам мени қандай таъминлайди?” деган савол тирнади. Озиқ-овқат, квартира, йўлқира... ҳаммаси маб-лагга бориб тақалади-да.

Деканатга мурожаат қилдим. Улар мен отасиз катта бўлганим учун ётоқхона олишда имтиёзга эгалигимни, устига-устак мен учун бепул эканини айтди. Нафақа ва оз-моз сут-қатиқ пулига кун кечираётган онам учун бунинг қанчалик енгиллик бўлгани, мени қанчалар хурсанд қилганини сўз билан ифодалаб беролмадим.

Яқинда ўқишни бошладим. Университетга пийёда боришим, турар жой учун пул тўламаслигим ҳисобига харажатларим анчага камайди. Хомчўт қилиб кўрсам, тартибли сарфласам, стипендиям озиқ-овқатимга бемалол етади. Энди ўқишдан бўш пайтимда абитуриентликда орау қилганим — тил ўрганиш билан шуғулланмоқчиман. Мақсадим камиди 4 тилни ўрганиш. Бир талаба сифатида бепул ётоқхона билан ҳам таъминлаб қўйган давлатимиздан миннатдорман. Онамнинг қанчалик мамнунлигини эса тасаввур қилаверинг...



Талаба учун кафолатли жой

— Тошкентга келганимда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказганман. Албатта, бу қийинчиликларнинг энг қатъиси турар жой масаласи эди, — дейди Тошкент давлат юридик университети учинчи курс талабаси Мавлудбек Исмоилов. — Уша пайтлар пандемия шароити туфайли ҳам анъанавий, ҳам онлайн ўқиш имконияти яратилди. Бироқ масофадан туриб тўлақонли билим олишга кўзим етмагач, пойтахтда қолиб ўқишга қарор қилдим. Биласиз, ҳуқуқшунослик мураккаб соҳа, бунинг учун чуқурроқ таълим олишингизга тўғри келади.

Яхши эслаيمان, ноябрь ойи эди. Биринчи 10 кунликда ётоқхонага жойлашиш учун роса ҳаракат қилганман. Декабрь ойига бориб, мени суҳбатга чақирган ва ётоқхонага жойлаштиришган. Шу вақт ораллигида ижара уйда яшадим. Уни қўлимиздан келганча таъмирладик, энди эпакага келтириб олдик, бемалол яшаймиз, деганимизда уй эгаси ҳаммамизни чиқариб юборди...

Жорий йил ҳам университет ётоқхонасидан жой ажратиб беришди. Аввал университетимизга тегишли ётоқхона фақат Талабалар шаҳарчасидагина бор эди. Ҳозир Чилонзор туманида жойлашган юридик техникум ўқувчилари камайгани сабабли биноларининг айримлари талабалар учун яшашга мослаштириб берилди.

Шуни ҳам айтиш кераки, бугунги кунда ижара хонадонда яшашнинг афзалликлари кўпайиб бораётган. Масалан, давлат томони ҳар ой 330 минг сўм тўлаб бериляпти. Бу имкониятдан фойдаланиш учун эса ижара шартномаси тузиш керак. Айнан мана шу шартнома талабалар учун кафолат вазифасини ҳам бажаради. Яъни уй эгаси сабабсиз, ўзи хоҳлаган пайтда талабани кўчга ҳайдаб юбора олмайдди. Мен талаба сифатида бизга берилётган бу имкониятларни фақат олқишлайман.

Шароитлар ижара уйдагидан яхшироқ

Талабаларнинг тақдири ҳақида олий таълим муассасалари қайғураётгани, қизиқётгани ва ётоқхонага муҳтож йигит-қизлар учун етарли шароит ва имкониятлар яратилаётгани айтиш мумкин бўлди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг учинчи курс талабаси Мадина Нуралиева уч йилдан буён ётоқхонада яшайди.

Университетга кирган йили ётоқхона ололмагач, ижарага уй толиб, бир ой яшаб кўрди. Бироқ унинг университетдан узоқлиги, боз устига Тошкент шаҳрини яхши билмагани учун қийналди. Охир-оқибат барча ҳужжатларни тайёрлаб, деканатга топширди. Октябр ойига келиб, ётоқхонага жойлашди. Бу йил эса имкониятлар янада кенгайди. Вилоятда, ўз уйида ўтириб, my.gov.uz сайти орқали ётоқхонада яшаш учун ариза қолдирди.

— Қулайлик яратилгани яхши бўлди-да, — дейди Мадина. — Овора бўлиб, Тошкентга келиб-қетиш ёки ҳали ўқиш бошланмай, пойтахтда сарсон бўлиш йўқ. Осонгина сайт орқали ариза тўлдирдим, масала ҳал бўлди. Ётоқхонада яшашнинг яхши томонлари кўп. Машиқий техникаларнинг борлиги, қишда иссиқ, ёзда

салқинлиги бизга жуда маъқул. Ижара уйимизда эса бу шароитлар бўлмаган.

Яна бир яхши томони, ётоқхонамиз университет ҳудудида жойлашган. Бу ҳам вақтимизни, ҳам наҳдимишни тежади. Автобус метродаги тирбандликларда қолиб кетмаймиз.

Ётоқхонамиз кичкиналиги учун ҳозирча барча талабаларни сиғдира олмайдди. Шунинг учун уни янада кенгайтириш чоралари кўриляпти экан. Ётоқхона берилмаган талабалар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Уларга тўторлар томонидан яқин атрофдан квартира топилиб, белгиланган сумма тўлаб бериляпти. Бу ҳар бир талаба учун катта ёрдам.

Бир сўз билан айтганда, талабаларни ётоқхона билан таъминлашда ҳали муаммолар бор. Шунинг учун тадбир кўришган, талабалар тақдирини ўйлаган давлатнинг ўзи босқичма-босқич ҳар бир муаммо ечимини топишига ишонаман.

Жонибек АЛИЖОНОВ, Отабек ҲОЖИБЕКОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАРАДДУД

Алиф мажар

ДУНЁ ХУНАРМАНДЛАРИНИ

ЧОРЛАЙДИ

21-23 сентябрь кунлари кўҳна Қўқон шаҳрида II Халқаро хунармандлик фестивали ва унга уйғун ҳолда Риштон туманида Халқаро куллолик форуми ўтказилади.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Дунё хунармандларини бир мақсад йўлида бирлаштирган ушбу нуфузли тадбирларни юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтказиш билан боғлиқ ҳозирлик ишлари якуний босқичга кирди.

Қўқон қадимдан бетакрор санъати, адабиёти, хунармандчилиги билан етти иккимга донг таратган. Бу ерда хунармандлик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Устоз-шогирд аъёнлари, хунармандларнинг оилавий сулолалари унинг сир-асрорларини аждодлардан авлодларга етказиб келмоқда. Хунармандликнинг ёғоч ўймакорлиги, қоғозгарлик, чилангарлик, заргарлик каби кўплаб турлари раванқ топмоқда. Уста хунармандларни кўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш борасидаги ислохотлар қадим шаҳар маданий ҳаётини дунёга янада кенг танитиш имконини бермоқда.

расида хорижлик ва маҳаллий соҳа вакиллари иштирокида "Хунармандлик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилди. Маҳаллий ва хорижий хунармандлар маҳсулотлари кўргазма савдоси, этно-мода намойишлари, халқ сайллари, қўғирчоқ ва дорбозлар томошалари, вилоятлар фольклор жамоалари ва маданият бошқармалари концерт дастурлари, ош танловлари, маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг маҳорат дарслари бўлиб ўтади. Шу кунги замонавий ўзбек миллий хунармандлиги ва амалий санъатига бағишланган "Ўзбекистон хунармандлиги дурдоналари" китоб-альбому тақдими, куллолик маҳсулотлари кўргазма савдоси, моҳир куллоллар юрти — Риштон тумани бўйлаб саёҳатлар ташкил этилади.

— Халқаро хунармандлар фестивали юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди Қўқон шаҳри ҳокими Маъруфжон Усмонов. — Хорижий меҳмонлар ва фестивал иштирокчилари ташриф буюриши кўзда тутилган тарихий обидалар, Қўқон миллий хунармандлиги намояндаларининг устанолари, маданий дам олиш маскани фестивал иштирокчилари ва меҳмонларга мунтазир. Шу кунга қадар тарихий



обидаларни таъмирлаш ва реставрация қилиш, уларга олиб борадиган йўллари таъмирлаш, тунги ёритиш, сув, оқова, электр тизимлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар бажарилди. Марказий кўчаларда жойлашган 185 та кўп қаватли уй-жой, 860 та яқна тартибдаги турар жой бинолари, иқтисодий соҳа объектлари қиёфаси замон талаблари даражасида тартибга келтирилди. Туризм объектларида элтувчи йўналишлар жозибдорлигини ошириш мақсадида қўшимча иллюминациялар ўрнатилди. Қўқон хунармандлиги аъёнларига ихтисослашган янги устанона, маҳалла ва хонадонларда зарур шароитлар яратилди, замонавий хизмат

кўрсатиш тармоқлари ишга туширилди. Қўқоннинг бой маданий ёдгорликлари, кўптуғ қадимжолар бўйлаб саёҳатлар уюштириш, ички ва халқаро туризм имкониятларини кенгайтириш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро фестивал билан боғлиқ қизилқорни тадбирлар шаҳарнинг бош майдон — Худойёрхон ўрдаси ҳамда унга туташ маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади. Шу мақсадда ҳудуд ободонлаштирилди, меҳмонлар ва хунармандлар учун керакли шарт-шароитлар яратилди. Ободонлаштириш ишлари доирасида 17 минг 200 тулдан ортиқ манзарали даррақ, 100 минг тул турфа гул экилди.

Ун тўққизинчи асрнинг етмишинчи йилларида Қўқон хони Худойёрхон томонидан қурилган ўрда меъморий ечими, ўзига хос бунёдкорлик аъёнлари билан дунё ҳамжамияти эътиборига тушган иншоотлардан. Маъмура Қўқонда қурилган ягона ўрда бўлиб қолмай, унга қадар ҳам кўҳна кентда бир неча ўрда бўлган.

Ун саккизинчи аср бошларида Ўрта Осиёда ҳукм сурган Аштархонийлар давлати таназзулга юз тутган, Фарғона водийси ундан ажралиб чиқди. Ҳокимият учун курашда минг уруги вакиллари қўлиб, 1709 йилда Қўқон хонлиги пайдо бўлди. Ана шу йиллар давомида ўн тўққиз хон тахтага ўтирган. Улар томонидан олпига ўрда барпо этилган.

Худойёрхон ўрдаси хонлик тарихида қурилган еттинчи ўрдадир. 1865 йилда бошланган қурилиш 1870 йилда якунланган. Обида ўз даврининг йирик

саройларидан бўлиб, атрофи қалъа сифатида баланд ва қалин деворлар билан ўралган. Ташқаридан чоқ қазилиб, Улкансойдан чиқарилган анҳор шу ердан ўтган. Бу ҳам ўзига хос мудоффа воситаси вазифасини ўтаган. Иншоот ташқи, ўрта, ички сарой ва боғлардан иборат. Мухташам бинолардан бўлган Худойёрхон ўрдасининг кичик қисми сақланиб қолган бўлса-да, хануз қўрқи ва салобати билан дунё ҳамжамиятида қизиқиш уйғотмоқда.

Хунармандликнинг ноёб дурдоналари хусусида сўз кетганда, Қўқон қоғози алоҳида эътироф этилади. Урта асрларда ишлаб чиқарилган бу маҳсулот Марказий Осиёда маълум ва машҳур бўлган. Энг йирик қоғозгарлик устанолари Мўйи Муборақда бўлиб, шу номли ариқ ёнида жойлашган эди. Қўқон хони ўрдаси бунёд этилиши даврида шаҳар ичидидаги барча қоғозгарлик устанолари Сўх туманидаги Қалъача ва Тул қишлоғига кўчириб юборилган. Улар ўз фаолиятини 1930 йилга қадар давом эттирган.

— Қўқон қоғози сифати, чидамлиги билан бемалол беллаша олган, — дейди тарихчи олим Яҳёхон Дадабоев. — Маҳсулот Шимолий Африқонини, Кошқар, Миср бозорларига етиб борган. Бу қоғоздан Бухоро амриги қоғоз пул ишлаб чиқаришда фойдалангани маълум. Чунки Қўқон қоғозидек шаффоф ва нафис қоғоз дунёда бўлмаган. Нафислиги шундаки, унга матн ёзилса, бу ёзувни қоғознинг орқа тарафидан ҳам бемалол ўқиш мумкин бўлган. Бунинг устига, Қўқон қоғози сувда тез ювмаган, тортилганда йиртилмай ўрнига чўзилган. Унинг ўнга яқин тури мавжуд бўлиб, улар орасида "Абрибахор", "Абришем", "Хафт-қоғоз" кабилар машҳур эди. "Абрибахор" қоғози Миср пахтасидан ишланган. Бу ерда шойи қоғоз тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Фестиваль доирасида унутилиб кетилмаётган бу каби ноёб хунармандлик аъёнлари, қоғозгарлик устанолари

фаолиятини тиклаш, қоғоз намуналарини яратиш борасида янги изланишлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда шаҳар аҳолиси урф-одат ва аъёнлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берувчи қадим қадимжол ва меъморий обидаларни аниқлаш, қайта тиклаш борасидаги изланишлар кўлами кенгайди.

Ўтмишда Қўқонда 600 та масжид, 67 та мадраса, 26 та қорихона, 100 дан зиёд хонақоҳ, 6 та марказий бозор, 30 га яқин қарвонсарой ва бошқа меъморий обидалар бўлган. Уларнинг бир қисми турли урушлар, бир қисми эса собиқ шўро тузуми "қурбонига" айлланиб, йўқ бўлиб кетган.

Муқимий ҳўжа музейи сифатида бугунга қадар сақланиб қолган меъморий обидалардан бири Соҳибий Ҳазрат мадрасасидир. Мазкур тарихий обида 1827-1860 йилларда тасавуф илмининг йирик намояндаси, уламо ва давлат арибб Миён Фазл Аҳмад-Соҳибзода томонидан қурилган. Мадраса ўз ҳовлиси маъмура хосил қилган бўлиб, ҳар бир ховли мадраса таҳсилнинг турли босқичлари (қуйи, ўрта ва олий) учун мўлжалланган 24 ҳўжрадан иборат бўлган.

— Фестивалга ҳозирлик доирасида тарихий обидаларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишларида алоҳида эътибор берилди, — дейди Қўқон шаҳри ҳокими ўринбосари Обидхон Жўраев. — Худойёрхон ўрдаси, Жомеъ мажмуаси, Норбўтабек, Дастирхончи, Миён Ҳазрат мадрасалари каби 14 та объект жорий таъмирланди. Даҳмаи Шоҳон макбараси, Қўқон маданий қўриқхонаси таркибига кирувчи Телақургон мажмуасида Ашуралли Зоҳирий музейини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Фурақат боғини янги лойиҳа асосида қуриш давом этмоқда. Бу ерда зиёратчи ва сайёҳлар учун қулай замонавий шарт-шароитлар яратилди.

Бир сўз билан айтганда, тамаддунда ўзига хос ўрнига эга бўлган Қўқон дунё хунармандларини қутиб олишга тайёр.

ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ

Бир ўздан сув ичган, тарихи, тақдири, илдизи туташ эл — ўзбек ва тожик халқининг урф-одатлари, қадрият аъёнлари жуда яқин. Шу боис, азалдан икки халқ ўртасида қудандачилик, қариндошлик алоқалари мустаҳкамланиб келган.

Ўзбек ва тожик халқларини икки тилда сўзлашувчи бир халқ дейишларида жуда катта маъно мужассам. Бизнинг нафақат ташқи қиёфамиз ўхшаш, балки динимиз, урф-одатларимиз, мақсаду маслагимиз, қадриятларимиз, маданият ва санъатимиз ҳам бир хил.

Тарихда қардош халқларимиз Турк хонлиги, Араб халифалиги, сомониёлар, газнавийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темирлийлар, шайбонийлар, аштархонийлар каби хонликлар, шунингдек, Россия империяси ва Совет Иттифоқи таркибиде бўлган. Аммо ўша даврларда ҳам ўзбек-тожик халқлари азалий дўстлик ва яхши қўшничилик аъёнларининг давом эттирган ҳолда, ўз яшаш тажрибасига эга миллатлар сифатида аҳил ва иноқ умр кечирган.

Бир дарёдан сув ичиб, пурвиқор Хисор омонўпар Помир тоғларининг шаффоф ҳавосидан нафас олиб келган бу икки халқни бирлаштирган фақат дўстлик, биродарлик ришталарига эмас, улар бир-бирлари билан қудандачилик, қариндош бўлиб кетган. Шу билан бирга, икки халқнинг маънавияти, маърифати, маданияти, санъати ва адабиёти ҳам ҳамоханг. Икки буюк беназир мутафаккир Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳамда Мир Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик, устоз-шогирдлик, пиру муридлик одоблари, фикрларининг муштараклиги, эзгу ва хайрли ишларда бардавонликлари, бу борада бир-бирини қўллаб-қувватлаши биз учун энг улўф ибрат саналади.

2017 йилда Тошкент — Душанбе авиақатновининг қайта йўлга қўйилиши, Ғалаба — Амузанг темир йўли тикланиши, Самарқанд — Панжикент халқаро йўли очилиши, икки давлат чегарасида 10 та назорат пункти иш бошлагани тарихий воқеа бўлган эди. Бу миллионлаб қалбларга қувонч улашгани рост.

ЭНГ УЛУҒ ИБРАТ



Бу дўстлик, қон-қардошлик ришталари халқларимизнинг яқин тарихида ҳам узилмай келган. Бунга Ўзбекистонда таваллуд топиб улғайган тожик драматургияси асосчиларидан бири, Тожикистон халқ ёзувчиси Сотим Улуғзода, Тожикистон халқ артисти, моҳир созанда Носиржон Азизов, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли таржумон Мутеулло Нажмиддинов каби атоқли инсонларни мисол қилиш мумкин.

Бундан ташқари, тожикистонлик бир қатор адабиёт ва санъат намояндалари икки халқ дўстлигини ўз ижодида тараннум этганини айтиш жоиз. Булар орасида икки тилда бирдай ижод қилган шoir, Тожикистонда хизмат кўрсатган журналист Улмас Жамол, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, Тожикистонда хизмат кўрсатган артистлар Қодир Миращуров, Абдурауф Олимов ва бир қанча ёш санъаткорларнинг

бетакрор ижоди билан икки халқ дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган хизмати ўзбек халқи алоҳида хурмат билан тилга олади.

Ўз навбатида, бир қатор ўзбек санъаткорлари ҳам тожик тилида қўшиқлар қуйлаш қардош халқ санъатига хурмат ва эҳтиром ифодасидир. Улар орасида айримлари Тожикистон Республикасининг фахрий ўнвонларини олишга мушарраф бўлган. Тожикистон халқ артисти деган уқсон ягона сазовор бўлган Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ана шундай таниқли санъаткорлардан биридир. Шунингдек, биринчи Ўзбекистон халқ шoirи Муҳаммадшариф Суфизода ҳам форс-тожик тилида кўплаб шеърлар битгани бизга маълум. Ўзбек орасида ўз латиф шеърлари ва равон таржималари билан "икки чаман бўлбули", "дўстлик қўйчиси" деган мартабалабларга сазовор бўлган эди.

2017 йилда Тошкент — Душанбе авиақатновининг қайта йўлга қўйилиши, Ғалаба — Амузанг темир йўли тикланиши, Самарқанд — Панжикент халқаро

йўли очилиши, икки давлат чегарасида 10 та назорат пункти иш бошлагани тарихий воқеа бўлган эди. Бу миллионлаб қалбларга қувонч улашгани рост. 2018 йили Президентимизнинг Тожикистонга ташрифи эса ўзбек-тожик халқлари ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик, биродарлик ва ўзаро стратегик шериклик соҳаларидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Бугунги кунда икки қондош ва жондош ўзбек ва тожик халқларининг азалий аъёнлари, дўстлик алоқалари икки давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати тўғрисида янада юксак поғоналарга кўтарилгани гувоҳи бўлиб турибмиз. Кўплаб халқларни ташқи қўринишидан фарқлаш осон. Ўзбек ва тожик халқларининг урф-одатлари, аъёнлари бир-бирига шунчалик яқинки, баъзан икки халқни қўр-бирдан фарқлаш, ажратиб қийин. Шу ўринда шoir Боқи Раҳимзодадиннинг қуйидаги мисралари ёдга тушди:

Ўзга ҳамма халқлар фарқи осондир, Лекин бизлар бўлиб яқин ва бирдек, Қўрган киши сўрамоғи аёндир: Эй жўра, айт, сен ўзбекми ё тожик?

Қаюмжон ҲАКИМОВ

Чуст шаҳри



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер маърузида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуринда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946.
43555 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиб: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй